



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 апрель куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушўғлуни қабул қилди.

Ўзбекистон — Туркия муносабатлари 2016 йилнинг 17-18 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтган олий даражадаги музокараларда эришилган келишувларга мувофиқ изчил ривожланиётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлики ривожлантириш, Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида туризм инфратузилмасини модернизация қилиш, тўқимачилик, кўнчилик, кимё ва фармацевтика соҳалари, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда, жумладан, «Ургут» эркин иқтисодий зонаси доирасида юқори технологияли замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мевлут Чавушўғлу Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга қабул учун самимий миннатдорлик изҳор этди. Давлатимиз раҳбарига Туркия компанияларининг мамлакатимиздаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаётгани учун Туркия раҳбарияти номидан ташаккур билдирди ва кенг қўламли ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ҚУРОЛЛИ КҲЧЛАРИ МАРКАЗИЙ ҚЎМОНДОНЛИГИ ҚЎМОНДОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 апрель куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган АҚШ Қуrolли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони, генерал Жозеф Леонард Вотелни қабул қилди.

Суҳбат чоғида икки томонлама ўзаро манфаатли ва серқирра ҳамкорлик, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Афғонистонда юзга келаётган вазият ва ушбу мамлакатда тинчликка эришиш истикболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жозеф Вотел Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга қабул учун самимий миннатдорлик билдирди, Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон — Америка муносабатларини изчил ривожлантириш ва мустақамлашни давом эттиришга тайёр эканини қайд этди.

ЎЗА

Мевлут ЧАВУШЎҒЛУ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ

Ўзбек ва турк халқлари қўп асрлик тарих, муштарак қадриятлар ва ўхшаш урф-одатларга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 26 апрель куни Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушўғлуни қабул қилди. Самимий ўтган учрашув тафсилотлари, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг истикболлари ҳақида Мевлут ЧАВУШЎҒЛУ ЎЗА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Аввало, самимий қабул учун Президент Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдираман. Туркия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим ва узоқ муддатли ҳамкори сифатида билади, ўртадаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳамкорлиқни ўзаро ишонч таъминлаш асосида ривожлантириш тарафдори.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Режеп Эрдоғоннинг 2016 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда бугунги ҳамкорлик муносабатлари Ўзбекистон ва Туркиянинг имконият ва салоҳиятига мос эмаслиги таъкидланди, давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш масаласи муҳкама қилинган, ташқи сўбсат маҳкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувларини ташкил қилиш, халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлиқнинг янги саҳифаларини очиб борадида самарали келишувларга эришилган эди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлигини ривожлантиришда янги лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу режаларни ҳаётга татиқ этишда Самарқанд вилоятида барпо этилаётган «Ургут» эркин иқтисодий зонаси муҳим қадам бўлди.


Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда маданий-гуманитар ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Бу борадаги шериклики ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туркиянинг етакчи туристик компанияларини жалб этган ҳолда Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятларида халқаро талабларга мос замонавий сайёҳлик мажмуалари барпо этиш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузуридаги қабулда муҳкама қилинган масалалар, давлатларимиз раҳбарлари ўртасида эришилган келишувлар муносабатларимизни янги босқичга кўтариб, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг янги саҳифаларини очишга хизмат қилишига ишонамиз.

ЎЗА мухбири
А.ЎРОЗОВ
ёзиб олди.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



ДОРИЛОМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Иноят ота Содиқов 92 ёшда. У «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган замонавий автомашинани навбатсиз сотиб олиш ва унга бепул техник хизмат кўрсатиш учун имтиёзли сертификатидан фойдаланди. «Роҳат» автосалонидан «Damas» автомашинасини сотиб олиб, ўзи ҳайдаб чиқди.

— Фарзандларим билан анчадан бери «Damas» олишимиз керак, дея ўйлаб юрдик, — дейди отахон. — Президентимизнинг уруш ва меҳнат фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб чиқарган фармониға биноан машинани навбатсиз сотиб олдик. Бор-йўғи бир ярим соатда ҳамма ҳужжатларни расмийлаштириб, машинанинг қалити қўлимга топширилди. Юртимиз тинч, ҳур замон абадий бўлиб, Президентимизнинг умрлари зиёда бўлсин.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ҳамда

«Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори уруш фахрийларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни муносиб ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги тизимли ишлар қўламини янада кенгайтирди.

Фармонға мувофиқ, Яшнбод тумани ҳокимлиги, Мудофаа ишлари бўлими, «Нуроний» жамғармаси вакиллари Иноят ота хонадонида бўлиб, Хотира ва қадрлаш куни билан табриклаб, Президентимиз номидан 2 миллион сўм пул муқофотини топширди. Шохимардон маҳалласида яшовчи Иноят отанинг миннатдорлигини нурли чеҳрасидан, самимий суҳбатидан сезиш қийин эмас.

— Фронтта кетганимда тоғни урса, талқон этгудай йигит эдим. 1948 йили Тошкентга қайтиб, яна сеvimли касбим — ҳайдовчилик билан шуғулландим. Умримнинг 70 йилини шу касбга бағишлаганман. Мен дунёдаги энг бахтли ва бой одамлардан бириман: 10 фарзанд, 31 невара, 33 эваранинг ардоғидаман. Баъзан мени қўришга

келган невара-чевараларим саноғидан адашиб ҳам кетаман. Шу кунларға етказганиға минг шукр!

Иноят ота мудом ҳаракатда. Маҳаллада, таълим муассасаларида ёшларға тинчликнинг улугъ неъмат экани, бугунги фаровон ҳаётимизнинг қадриға етиш оли эсраб-авайлаш зарурлиги ҳақида насиҳат қилади. Маънавий-маърифий тадбирларда фаол қатнашади.

Отанинг самарали меҳнатлари муносиб рағбатлантирилиб, «Жасорат», «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» юбилей медаллари билан тақдирланган.

Суҳбат қизиганда отахон уруш йилларини хотирлаб, ҳалок бўлган қуролдошларини эслаб, сукутга кетди, билдирмай кўзига ёш олди. Бугунги фараҳбахш кунлар, мустақиллик яратган беимис имкониятлар, тинчлик-омонликда ўтаётган ҳаёти учун яратганға беадад шукроналар айтди.

Азима ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири.

Электорат манфаати

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

ЎзХДП Шўрчи туман кенгаши, туман ҳокимлиги, прокуратура, Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан Маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Уч кун давом этган ярмаркада ҳудуддаги 100 яқин корхона ва ташкилот 310 дан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди.

— Бу йил туманимиздаги 9 та касб-хунар коллежини 3 минг 774 нафар ўқувчи битиради, — дейди Шўрчи туман партия кенгаши раиси Ботир Ражабов. — Меҳнат ярмаркасида 655 нафар ўғил-қиз тадбиркорлик билан шуғулланиш истagini билдирди. Улардан 136 нафарига

молия муассасалари томонидан турли миқдорда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берадиган сертификатлар топширилди.

— Энг муҳим вазифаларимиздан бири битирувчилар бандлигини таъминлашдир, — дейди Шўрчи маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар

коллежи директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Райхона Раҳимова. — Бунинг учун барча чора-тадбирларни кўраямиз. Коллежимиз туман марказидан қарийб 15 километр олисда жойлашган. Бу ерда 700 нафардан ортиқ ўғил-қизга таълим-тарбия берилади. 2016-2017 ўқув йилида уларнинг 211 нафари коллежини тугатади. Бугунча 110 нафар битирувчи билан уч томонлама шартнома тузишга эришилди.

— Юртимизда тиббиётни янада ривожлантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Шўрчи тиббиёт коллежи битирувчиси

Жангил Бобоназарова. — Мен ҳам ана шу хайрли ишларға ҳисса қўшиш мақсадида ҳамширалик мутахассислиги бўйича таҳсил олялман. «Шалдирик» қишлоқ врачлик пунктига ишга жойлашишга йўлланма олганимдан хурсандман.

— Ярмарканинг ташкил қилингани аини муддао бўлди, — дейди Шўрчи қурилиш уй-жой коммунал хўжалик касб-хунар коллежи битирувчиси Ирода Киромиддинова. — Мен ҳам мутахассислигим бўйича «Шўрчитумангаз» филиалига ишга йўлланма олдим.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

ИШОНЧ ВА ЭЪТИБОР

нуронийларимизга
куч-қувват бағишлади

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Самарқандга ташрифи қанчалик кенг қамровли ва мазмунли бўлгани, ҳар бир учрашув одамларда катта таассурот қолдирганиға ўзим гувоҳман. Айниқса, отахону онахонларимиз жуда хурсанд бўлишди, деб ўйлайман. Чунки яқинда давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги Фармони кексаларимизни ниҳоятда қувонтирган эди. Ана шу эътибор ва ғамхўрликдан ҳаяжонланиб, руҳланиб турганимизда Президентимизнинг Самарқандга ташрифи қувонч устиға қувонч бўлди.

Давлатимиз раҳбари қаерда бўлмасин, кексаларимизға алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб келмоқда. Бунинг ёрқин мисолини Самарқандда яна бир бор кўрдик. Ташриф доирасида шахримизда трамвай йўлининг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган маросимда бир гуруҳ нуронийларимиз ҳам иштирок этишди. Энг қувончлиси, мамлакатимиз раҳбари ва нуронийларимиз янги трамвайнинг биринчи йўловчилари бўлишди, самимий суҳбатлар барчамизнинг дилимизға чўғ солди. Мамлакатимиз раҳбари халқимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, 2017-2021 йилларға мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади ҳақида сўзлаб берди. У киши турли масалаларда фахрийларимизнинг фикрларини ҳам сўради. Биринчи бўлиб меҳнат фахрийси, ажойиб олим, фидойи инсон Тўлқин Аҳмаджонов сўз бошлади.

— Мен Самарқандда 1948 йили трамвай йўли қурилгани ва 1973 йилда олиб ташланганини ўз кўзим билан кўрганман ва ўшанда ҳайрон қолганман... Энг муҳими, бугун шахримизда яна трамвай қатнови йўлга қўйилди. Экологик жиҳатдан тоза бўлган бу транспорт воситаси элга хизмат қилади, албатта. Бугун трамвайнинг биринчи йўловчиси бўлганимдан бахтиёрман, — дейди у.

Узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб, бугун кексалик гаштини сўраётган 86 ёшли Жалол Раҳимов ҳам қувончини яшира олмади:

— Мен ҳам шахримизнинг ўтмиши ва бугунги қувончи давларини кўриб таққослайман. Мустақиллик нималарға қодир эканлигини билиб ва кўриб турибман. Биз кексалар янада руҳан тетик бўлдик, куч-қувватимизни баҳоли қудрат шу юрт тараққиёти йўлида сарф этамиз.

Президентимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, академик Ботирхон Валихўжаевнинг хотирасини ёдга олиб, у кишининг турмуш ўртоғи Хадича Вафоева билан учрашиб, суҳбатлашгани бутун илм аҳлида ёрқин таассурот қолдирди. Бу суҳбат аввало, буюк олим хотирасига ҳурматни билдирса, иккинчидан илм-фанға юксак эътибор раъзидир.

Самарқандлик фахрийларнинг Президентимиз билан учрашувлари уларға куч-қувват бағишлади, ғайратини оширди. Нуронийларимиз юртимизда шиддат билан олиб борилаётган бугунги ишларға янада муносиб ҳисса қўшишға бел боғлади.

Ҳасан НОРМУРОДОВ,
«Нуроний» жамғармаси
Самарқанд вилоят бўлими раиси,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи
аъзоси.

Худудий ислохотлар

«ЭНГ ЧИРОЙЛИ УЙ БИЗНИКИ...»

Бу — Ўрта Чирчиқ тумани
«Нурафшон» маҳалласида истиқомат
қилаётган тўрт ёшли Бобуржоннинг
сўзлари...



Жорий йил охиригача яна 40 та 3 хонали, 32 оилага мўлжалланган икки қаватли турар-жой бунёд этилиши режалаштирилган.

